

- 2.1.2. Ижарага олинган бино ва иноотларнинг ички ва ташқи қисм техника жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
- 2.1.3. Хизматлар таннарихининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;
- 2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;
- 2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;
- 2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.
- 2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:
 - 2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;
 - 2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;
 - 2.2.3. Товар (ишлар, хизматла)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;
 - 2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;
 - 2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;
 - 2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;
 - 2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;
 - 2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариш;
 - 2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатларни иавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;
 - 2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;